

1.МАЪРУЗА МАТНИ

13-мавзу. Ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш инвестицион дастурларини молиялаштириш Режа:

- 1. Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жиҳатдан қайта
қуриш – комплекс муаммо**
- 2. Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион
стратегиясини шакллантириш**
- 3. Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги**

1. Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жиҳатдан қайта қуриш – комплекс муаммо

Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини қайта қуриш жа-раёнида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида илғор сифат такрор ишлаб чиқариш силжишларига, бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион ва молиявий фаолиятини таъмин-лашда, бозор шароитида уларнинг самарали ишлашларига еришиш учун комплекс чоралар тизимини аниқлаш муҳим аҳамият касб етади.

Мамлакат иқтисодиёти учун унинг хом ашё йўналишига ега еканлигини ўзгартириш стратегик нуқтаи назардан узок муддатли устувор йўналиш ҳисобланади. Бу юқори технологик янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қайта ишлаб чиқарувчи тармоқларни юқори суръатларда ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи дас-турни амалга ошириш зарурлигини тақозо етади. Саноатни хом ашёни комплекс чуқур қайта ишлашга йўналтириш асосида ва бо-зорларда юқори технологияли маҳсулотларнинг сотилишини оши-ришсиз самарали тараққиётга еришиб бўлмайди. Бу тараққиётнинг инновацион-инвестицион типига ўтиш мақсадида қўшимча молия-вий ресурсларни олиш учун самарали йўл ҳисобланади.

Машинасозлик ва метални қайта ишлашни юқори суръатларда ривожлантириш ХЮС ларнинг таркибий тузилмасини қайта қуришда устувор вазифадир. Такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типига ўтиш илмий-техника тараққиётини тезлаштиришда машина-созлик таъсирининг ўсишини талаб қиласди. Иқтисодиётнинг машинасозлик тармоқлари еса молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан янгиланишини кучайтиришга еҳтиёж сезади.

Машинасозлик комплексини ривожлантириш учун машина ва асбоб-ускуналарнинг мустаҳкамлиги ва сифатини ошириш, машинасозлик буюмларининг абсолют ва нисбий салмоғини (техник ўлчам бирлигига нисбатан) камайтириш йўли билан маҳсулот-ларнинг металл ва енергия сифимларини камайтириш муҳим ҳи-собланади.

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ресурс-ларни тежаб-тергаш жараёни ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга, халқ истеъ-моли товарларини ишлаб чиқариш ижтимоий аҳамиятининг ўсиши-га ҳам алоҳида еътибор бермоқ лозим. Истеъмол талабларини қондириш муаммоси ўткирлигича қолмоқда, чунки узоқ йиллар да-вомида истеъмол предметларининг салмоғи ва уларнинг сифати са-ноатда пастлигича қолиб келмоқда.

Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигига жавоб берувчи ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини такомиллаш-тириш узоқ муддатли инвестицион ва молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ. Худди шу мақсадларга кичик бизнесни сама-рали ривожлантириш ҳам хизмат қиласи. Ишлаб чиқаришнинг фан сифимини ошириш учун молиявий ресурсларни жалб қилиш бўйича комплекс чоралар алоҳида аҳамиятга ега. Маркетинг соҳасида таъсирчан (ҳаракатчан) сиёsatни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва маҳсулотлар янги турларини ўзлаштиришнинг оқилона стратегиясини танлаш керак.

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш замонавий бозор инфратузилмасини яратиш, хусусан, иқтисодиётнинг транс-порт-коммуникацион комплексини ривожлантириш билан ўзаро боғланган. Унинг вазифаси транспорт чиқимларини қисқартириш ва хизматларнинг сифатини ошириш ҳисобидан иқтисодиётнинг барча тармоқларида транспорт харажатларини камайтиришдан ибо-рат. Халқаро андозаларга мос келадиган рақобатбардош маҳсулот-ларни ишлаб чиқаришнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда дунё ишлаб чиқарувчиларининг маркасидан фойдаланиб қўшма ХЮС ларга асос солиш ва уларнинг ривожланишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга ега.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион стратегиясини шакллантириш

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш фақат истеъмолчиларнинг сўров (еҳтиёж)ларини янада тўлароқ қондириш нуқтаи назаридан емас, балки якуний маҳсулот бирлигига тўғри келувчи моддий ва меҳнат харажатларини қисқартириш ҳисобидан ХЮС даромадини ошириш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бозор шароитида илғор технологияларни жорий етиш учун улар тараққиётнинг енг илғор тенденцияларига муво-фиқлигини аниқлаш, уларни амалга оширишнинг стратегик йўна-лишларини қидириб топиш ҳам алоҳида аҳамият касб етади. Ри-вожланган бозор самарадорлик ва иш сифатининг ижтимоий-зарурий кўрсаткичларини таъминлай олмайдиган ишлаб чиқариш-нинг паст техник-технологик даражасига иқтисодий жиҳатдан йўл бермайди. Ана шу шартга риоя қилинган ҳолдагина истеъмолчи-ларнинг еҳтиёжларини қондириш, рационал нисбатларга еришиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланиш ва ресурсларни тежаб-тергашга имконият туғилади. Ана шу муҳим вазифани ечишга бозорнинг барча иқтисодий механизми,

жумла-дан, баҳолар, солиқлар, кредит, банк фоизи ва бошқалар йўналтирилган бўлмоғи лозим. Бунда иқтисодиётнинг ижтимоий соҳасини юқори суръатларда ривожлантириш, босқичма-босқич кишилар-нинг моддий ва маънавий еҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга ўтиш жуда муҳим.

Қаттиқ пул ва молия-кредит сиёсатининг ҳаётга тадбиқ эти-лиши, амалиётнинг кўрсатишича, инфляция суръатларининг паса-йишига олиб келиши мумкин, лекин бу нарса сифат жиҳатидан иқтисодий ўсишига ўтишнинг, фаол тузилмавий қайта қуришнинг ва ишлаб чиқариш тараққиётининг инвестицион жиҳатдан таъмин-лашнинг мустаҳкам йўналиши бўла олмайди. Илмий-техникавий тараққиётнинг жадаллашувига молиявий ва инвестицион бозорлар-нинг шаклланиши ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Бу ерда ўз қўлида жуда катта технологик ва ресурс салоҳиятини мужассам-лаштирган йирик корпорациялар ва молия-саноат гуруҳлари томо-нидан қаттиқ рақобат намоён бўлади. Бу салоҳиятдан самарали кор-поратив фойдаланиш механизmlари ишлаб чиқаришни ривожлан-тириш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш, мамлакатнинг ташқи бозорларга чиқиши билан боғлик бўлган стратегик вазифа-ларнинг ечилишига ўз таъсирини кўрсатади.

ХЮС ларнинг инновацион стратегияси учун улар инвес-тицион фаолиятини рағбатлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга ега. Бу самарали молия-кредит ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш билан бевосита боғлик. Шунингдек, бу ерда хўжалик фаолиятини рағбатлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг бошқарувчан-лик даражаси ва унинг инвестицион соҳасини ошириш талаб қилинади. Такрор ишлаб чиқариш барча цикли ва у инвестицион соҳасининг динамикасини қамраб оловчи асосий принципларни ҳар бир ХЮС да ишлаб чиқиш жуда муҳим.

Биринчидан, самарали инвестицион дастурлар ва ишлаб чиқа-ришни янгилаш лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-куватлаш йўли орқали ва бир вақтнинг ўзида бозор ўз-ўзини тартибга солувчиларининг таъсири остида амалга оширилмоғи лозим.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришни янгилашнинг янги техникаси ва илфор технологияси фақат “инновациялар – инвестициялар – таркибий қайта қуриш” блокларининг органик жиҳатдан боғлик-лиги шароитида юқори натижаларни бериши мумкин. Муаммони ҳал етишга бундай ёндашув корпорациялар, фирмалар ва ХЮС ларнинг фақат узок муддатли истиқболда емас, балки ўрта муддат-ли даврда ҳам ишлаб чиқариш-тижорий фаолиятида интеграл самаранинг ўсишига хизмат қиласи.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва инвестицион соҳани таркибий жиҳатдан қайта қуришнинг информацион қисми ҳам ўсиб борувчи аҳамиятга ега. Иқтисодиётни ва такрор ишлаб чиқаришни бутун-лай бозор трансформациялашуvinинг асосий йўналишларини дас-турий таъминлашнинг информацион тизимидағи иқтисодий жа-раёнларни тартибга солиш механизмидаги камчиликлар асосланган ишлаб чиқариш-технологик қарорлари қабул қилишни, буортмалар портфелини шакллантиришни ва

ишлиб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишини мураккаблаштиради.

3. Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги

Иқтисодий ва молиявий вазиятни соғломлаштириш учун жамғармаларнинг ички капитал қўйилмалар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш сифатида реал инвестицияларга айлантири-лишини (трансформацияланишини) ҳамда улардан самарали фойдаланишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Халқаро амалиёт-ни ўрганиш шундан далолат берадики, инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил қилиш соҳасида уларни реализация қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш, експертизаларни ўтказишнинг роли ўсиб бормоқда. Бу муаммони ҳал етиш халқаро андозалари-нинг мужассамлашган шакллари ЮНИДО методикасида ўз аксини топган. Бироқ ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бу методикада мавжуд бўлган анъанавий ёндашувлардан тўғридан-тўғри нусха олишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам, уларни ҳар бир мамлакатнинг хўжалик шароитларига мослашти-риш керак. Бунда жойлаштириладиган маблағларнинг қопланиши ва аванслаштирилган капиталга инвестор томонидан талаб қилина-диган даромад нормасини олиш бўйича инвестицион таклифларни сифат жиҳатдан експертиза қилиш муҳим. Ана шу йўналишда инвестицион лойиҳаларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш, қарз олувчининг молиявий ахволи ва унинг рақобатбардошлиги, шунингдек, ваколатли банкнинг кафолатини характерлайдиган тегишли експерт хulosаларига баҳо беришнинг аҳамияти ортади.

Хорижий банк билан кредит битимини тузишда, енг аввало, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш керак. Одатда, ХЮС кредит бўйича қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- битим суммасининг 15% идан кам бўлмаган аванс тўлов-ларининг бошланғич бадали (ўзлаштириш бошлангунга қадар) – кредит битими тузилгандан кейин бир ой ичида;
- суғурта бадали – суғурта рискини баҳолашга нисбатан 3%дан кам бўлмаган миқдорда;
- хизмат кўрсатувчи банкларга комиссион тўловлар – кредит-нинг ўзлаштирилмаган қолдигига комиссия, кредитни ташкил қилиш учун ҳақ, хорижий суғурта агентликларида қайд етилганли-ги учун ҳақ.

Хорижий фирмалар билан ҳамкорликдаги инвестицион лойи-ҳаларни ўзлаштириш даврида биринчи босқичда фоиз ва мамлакат банклари томонидан операцион харажатлар бўйича тўловлар амал-га оширилади. Қайтаришда еса (тўлиқ ўзлаштирилганидан сўнг) қарзнинг асосий суммаси (хорижий банкнинг графигига мувофиқ равишда) ўтказилади ва фоизлар бўйича тўловлар тўланади. Тақдим етилган таклифларни реализация қилиш механизми, бир томондан, хорижий инвестицион кредитларни олувчиларнинг таркибини оптималлаштиришга хизмат қиласди. Иккинчи томондан еса улар-дан мақсадли фойдаланиш устидан таъсирчан назоратни

бўлишини таъминлайди. Инвестициялаштиришнинг натижа-лилигини ошириш учун инвестицион лойиҳаларни, жумладан, хорижий кредит линияларига қўшиш учун ҳам, танлаб олиш тартиби тартибга кел-тирилмоғи лозим. ХЮС ва ташкилотларнинг аризаларини уларнинг асосланганлиги бўйича хулосалар учун тармоқ, корпоратив ва минтақавий даражаларда қайта ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Танловнинг жорий етилиши битимнинг енг яхши шартларини – мамлакат ХЮС ларининг иқтисодий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотни танлаш – қўлга киритишга имкон беради. Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар хисобидан молиялаштириш учун инновацион лойиҳаларни тан-лашда асосий мезонларнинг қўйидаги тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва қарз олувчи-нинг бошланғич бадални тўлаш бўйича молиявий имконияти;
- техник ва технологик аҳволи;
- тижорий самарадорлиги ва валютавий қопланувчанлиги;
- ҳуқуқий таъминланганлиги ва экологик хавфсизлиги.

Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредит-лар бўйича молиялаштиришга қабул қилинадиган лойиҳалар ман-фаатдор вазирликлар ва идоралар, минтақавий маъмурий органлар, ХЮС лар, ташкилотлар ва банкларнинг розилиги бўйича шаклана-диган устувор инвестицион лойиҳалар рўйхатига киритилган бўл-моғи даркор.

Инвестицион лойиҳани техник-иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан асослашда объектив молиявий таҳлил муҳим аҳамиятга ега. Лойиҳани ишлаб чиқариш жараёни тоянинг пайдо бўлган вақтидан ХЮС ишга туширилгунга ва қувватлар ўзлаштирилгунга қадар уч босқичдан иборат бўлади:

- тайёргарлик кўриш босқичи;
- инвестицион босқич;
- операцион босқич.

Юқоридаги босқичларнинг ҳар бири бир неча қуи босқич-лардан иборат бўлиб, уларда турли-туман тадқиқот, консультацион, техник ва саноат ишлари амалга оширилади, лойиҳа циклининг ҳар бир босқичи еса ўзаро бир-бири билан боғланган.

Лойиҳа циклининг босқичлари бўйича капитал харажатларни тахминий тақсимланиши дастлабки (тайёргарлик кўриш) ва инвес-тицион босқичларни ўз ичига олади. Лойиҳаларни молиялашти-ришнинг икки асосий манбалари мавжуд:

- ўз капитали;
- кредит.

Ўз корпоратив капиталини шакллантириш акцияларга (им-тиёзли ва оддий) очиқ ёзилиш йўли билан амалга оширилиши мум-кин. Қарз маблағлари еса қисқа, ўрта ва узоқ муддатли банк кре-дитлари шаклида, шунингдек, турли қарз мажбуриятларини емис-сия қилиш йўли билан жалб

қилинади. Молиялаштиришнинг бун-дай типлари ўртасидаги принципиал фарқ қарздорнинг кредиторлар олдидағи биринчи даражали жавобгарлигидадир.

Ўз ва қарз маблағлари ўртасида маълум бир балансга риоя етмоқ зарур. Кредитор нұқтаи назаридан қарз капиталининг юқори салмоғи қарз олувчининг рисклилик даражасини оширади, чунки унда харажатларнинг умумий таркибий тузилмасида фоиз тўлов-ларининг салмоғи ортади ва демак, фойда пасаяди.

Қарз ҳисобига молиялаштиришнинг кўринишларидан бири лизингдир. Агар молиялаштириш шартлари хорижда маҳаллий шартлардан кескин фарқ қиласидиган бўлса, лизинг асбоб-ускуна-ларни сотиб олишнинг устувор методи ҳисобланади.

Молиялаштириш шаклларининг турли-туманлиги ўзгариб туриши мумкин. Бироқ улар тушумлар ва асосий харажатларнинг таъминланганлиги учун етарли бўлиши керак. Кўп ҳолларда лойи-ҳани ишлаб чиқувчилар инвесторлар ва кредиторларга унинг жозибадорлигини таъминлаш мақсадида лойиҳанинг қийматини пасайтиришга ҳаракат қиласидар. Шу муносабат билан молиявий експертнинг вазифаси лойиҳа ёки компаниянинг капиталга бўлган ҳақиқий еҳтиёжини аниқлашдан иборат. Шунинг учун ҳам, молия-вий таҳлилда инвестицион қўйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг кўп сонли методлари ишлаб чиқилганки, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, афзалликларга ва камчиликларга ҳам ега. Бу кўрсат-кичлар тизими ўз ичига қўйидагиларни олади:

- НВП – капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати;
- ИРР – ички фойда нормаси;
- қопланиш муддати.

Капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати (НВП) классик вариантда (кўплаб модификациялар мавжуд бўлганда) дис-контлаштирилган соф пул харажатлари ва тушумларнинг йифин-диси сифатида ҳисобланади. Ижобий НВП инвестицион лойиҳадан қайтим дисконтлаштиришнинг маълум бир ставкасидан юқори еканлигини кўрсатади. НВП нинг камчилиги дисконтлаштириш ставкасини ҳисоблашнинг шартлилиги билан белгиланади. Инвес-торга бошқа лойиҳадан кўра шу лойиҳага маблағларни жойлаштириши фойдали ҳисобланади. Бунда НВП нинг ўлчами дисконтлаштириш ставкасининг унча катта бўлмаган ўзгаришига таъсирчан бўлади. НВП нинг ҳисобланиши маълум даражада ишлаб чиқа-ришни инновацион янгилаш инвестицион лойиҳасининг мумкинли-гини баҳолашда мўлжал бўлиб хизмат қиласиди.

Ички фойда нормаси (ИРР) лойиҳа НВП си нолга teng бўлган-даги дисконтлаштириш ставкасидан иборат. Ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир неча кўп йилдан сўнг катта даромад келтирувчи ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси учун бир хил аҳамиятга ега бўлиши мумкин. Инвестор ва кредитор учун кутилаётган даромадларнинг муддатлар бўйича тақсимланиши муҳим, шунинг учун ҳам, агар даромадлар рискининг вақт бўйича узоқлашишига

мувофиқ равиш-да тез ўсиши инобатга олинадиган бўлса, бу омил янада жуда муҳим ҳисобланади.

Қопланиш муддати кўрсаткичи ишлаб чиқаришни янгилаш инновацион лойиҳасидан олинган даромадлар бирламчи капитал қўйилмалардан ошгандаги йиллар сонига қараб аниқланади. Ҳисоб-лашнинг маълум соддалигига қарамасдан, бу кўрсаткич инвес-тицион лойиҳанинг рисклиилигини пухта баҳолайди ҳамда НВП ва ИРР билан биргаликда капитал қўйилмаларнинг оптимал мақсадга мувофиқлигини баҳолашга имкон беради.

Жорий ва истиқболдаги таҳлил ишлаб чиқаришни янгилаш инновацион лойиҳаларини амалга оширишнинг бошқа йўналиш-лари ва параметрларига нисбатан ўтказилиши мумкин. Бунда асосий ёътибор юқори рентабеллик ва кучсиз прогнозлаш хос бўл-ган қуидаги омилларга, яъни рисклар, валюта курслари, кредитлар бўйича сузувчан ставка, тайёр маҳсулот ва хом ашёнинг баҳоси кабиларга қаратилади. Бу омилларнинг ҳар бири учун бўлиши мумкин бўлган тебранишларнинг интервали аниқланади ва асосий параметрларнинг ўзгариши мумкин бўлган имкониятлари баҳоланади. Ундан сўнг инвестицион лойиҳанинг барча рисклари-ни ҳисобга олган ҳолда унинг етарли даражада фойдалилиги сақланиб қолгандаги критик параметрларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларига баҳо берилади.

Ишлаб чиқаришни янгилаш дастурлари ва инновацион лойиҳаларнинг инвестицион самарадорлиги капитал қўйилмалар тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда мавжуд бўлмаган омилларга ҳам боғлиқ. Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ана шундай омиллар тўплами мавжуд.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР


- Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жиҳатдан қайта қуриш деганда нималар тушунилади ва у нималарни тақозо етади?
- Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш нималар билан узвий боғлиқ?
- Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигига жавоб бе-рувчи ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини такомиллаш-тириш учун, енг аввало нималарни амалга оширмоқ лозим?
- Хўжалик юритувчи суюъектнинг инновацион-инвестицион стратегияси деганда нималар тушунилади?
- Қаттиқ пул ва молия-кредит сиёсатининг ҳаётга тадбиқ етилиши сифат жиҳатидан иқтисодий ўсишга ўтишнинг, фаол тузилмавий қайта қуришнинг ва ишлаб чиқариш тараққиётининг инвестицион жиҳатдан таъминлашнинг мустаҳкам йўналиши бўла оладими?
- ХЮС ларнинг инновацион стратегияси учун улар инвес-тицион фаолиятини рағбатлантириш қандай аҳамиятга ега?
- Такрор ишлаб чиқариш барча цикли ва у инвестицион соҳа-сининг динамикасини қамраб олувчи асосий принциплар нималар-дан иборат?
- Хорижий банк билан кредит битимини тузишда, енг аввало, нималарга еътибор бермоқ лозим?
- Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кре-дитлар ҳисобидан молиялаштириш учун инновацион лойиҳаларни танлашда асосий мезонларнинг қандай тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
- Лойиҳани ишлаб чиқариш жараёни ғоянинг пайдо бўлган вақтидан ХЮС ишга туширилгунга ва қувватлар ўзлаштирилгунга қадар қандай босқичлардан иборат бўлади?
- Лойиҳаларни молиялаштиришнинг қандай асосий манба-лари мавжуд?
- Инвестицияларни молиялаштиришнинг қандай шакллари мавжуд?
- Инвестицион қўйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг қан-дай методлари мавжуд?
- Инвестицион қўйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими ўз ичига нималарни олади?
- Капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати нима-дан иборат?
- Ички фойда нормаси қандай аниқланади?
- Қопланиш муддати нималардан ташкил топади?

2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

13.1. Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жихатдан қайта қуриш – комплекс муаммо



**Мамлакат иқтисодиёти учун унинг хом ашё йўналишига
эга эканлигини ўзгартириш стратегик нуқтаи назардан
узоқ муддатли устувор йўналиш ҳисобланади**



Машинасозлик ва металлни қайта ишлашни юқори суръатларда ривожлантириш

ХЮС ларнинг таркибий тузилмасини қайта қуришда устувор вазифадир

Такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типига ўтиш илмий-техника тараққиётини тезлаштиришда машинасозлик таъсирининг ўсишини талаб қиласди

Иқтисодиётнинг машинасозлик тармоқлари эса молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан янгиланишини кучайтиришга эҳтиёж сезади


Машинасозлик комплексини ривожлантириш учун

машина ва асбоб-ускуналарнинг мустаҳкамлиги ва сифатини ошириш


машинасозлик буюмларининг абсолют ва нисбий салмоғини (техник ўлчам бирлигига нисбатан) камайтириш

йўли билан маҳсулотларнинг металл ва энергия сифимларини камайтириш муҳим ҳисобланади

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш



Иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлигига жавобгар ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш




Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш

замонавий бозор инфратузилмасини яратиш, хусусан, иқтисодиётнинг транспорт-коммуникацион комплексини ривожлантириш билан ўзаро боғланган

Унинг вазифаси транспорт чиқимларини қис-қартириш ва хизматларнинг сифатини ошириш ҳисобидан иқтисодиётнинг барча тармоқларида транспорт харажатларини камайтиришдан иборат

Халқаро андозаларга мос келадиган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда дунё ишлаб чиқарувчиларининг маркасидан фойдаланиб қўшма ХЮС ларга асос солиш ва уларнинг ривожланишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга

13.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион стратегиясини шакллантириш






ХЮС ларнинг инновацион стратегияси учун улар инвестицион фаолиятини рағбатлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу самарали молия-кредит ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, бу ерда хўжалик фаолиятини рағбатлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг бошқарувчанлик даражаси ва унинг инвестицион соҳасини ошириш талаб қилинади. Такрор ишлаб чиқариш барча цикли ва у инвестицион соҳасининг динамикасини қамраб оловчиги қўйидаги асосий принципларни ҳар бир ХЮС да ишлаб чиқиш жуда муҳим




13.3. Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги


Хорижий банк билан кредит битимини тузишда, энг аввало, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш керак



Хорижий фирмалар билан ҳамкорликдаги инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш даврида



Тақдим этилган таклифларни реализация қилиш механизми



Инвестициялаштиришнинг натижалиигини ошириш учун инвестицион лойиҳаларни, жумладан, хорижий кредит линияларига қўшиш учун ҳам, танлаб олиш тартиби тартибга келтирилмоғи лозим. ХЮС ва ташкилотларнинг аризаларини уларнинг асосланганлиги бўйича хulosалар учун тармоқ, корпоратив ва миintaқавий даражаларда қайта ишлаб чиқиши муҳим хисобланади

Танловнинг жорий этилиши битимнинг энг яхши шартларини – мамлакат ХЮС ларининг иқтисодий манфаатларига тўлик жавоб берадиган маҳсулотни танлаш – қўлга киритишга имкон беради

Хукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштириш учун инновацион лойиҳаларни танлашда асосий мезонларнинг қуидаги тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ

иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва қарз олувчининг бирламчи (бошланғич) бадални тўлаш бўйича молиявий имконияти

техник ва технолоѓик аҳволи

тижорий самара-дорлиги ва валютавий қопланувчанлиги


хуқуқий таъминланганлиги ва экологик хавфсизлиги

Хукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар бўйича молиялаштиришга қабул қилинадиган лойиҳалар

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, минтақавий маъмурий органлар, ХЮС лар, ташкилотлар ва банкларнинг розилиги бўйича шаклланадиган устувор инвестицион лойиҳалар рўйхатига киритилган бўлмоғи даркор



Лойиҳаларни молиялаштиришнинг икки асосий манбалари



Молиялаштириш шакларининг турли-туманлиги ўзгариб туриши мумкин



Бироқ улар тушумлар ва асосий харажатларнинг таъминланганлиги учун етарли бўлиши керак



Кўп ҳолларда лойиҳани ишлаб чиқувчилар инвесторлар ва кредиторларга унинг жозибадорлигини таъминлаш мақсадида лойиҳанинг қийматини пасайтиришга ҳаракат қиласидилар



Шу муносабат билан молиявий экспертнинг вазифаси лойиҳа ёки компаниянинг капиталга бўлган ҳақиқий эҳтиёжини аниқлашдан иборат



Шунинг учун ҳам, молиявий таҳлилда **инвестицион қўйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг кўп сонли методлари** ишлаб чиқилганки, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, афзалликларга ва камчиликларга ҳам эга

Бу кўрсаткичлар тизими ўз ичига қўйидагиларни олади



NVP –
капитал
қўйилма-
ларнинг соф
келтирилган
қиймати

IRR –
ички
фойда
нормаси

қопланиш
муддати

Капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати (NVP)

- классик вариантда (кўплаб модификациялар мавжуд бўлганда) дисконтлаштирилган соф пул харажатлари ва тушумларнинг йифиндиси сифатида ҳисобланади
- Ижобий NVP инвестицион лойиҳадан қайтим дисконтлаштиришнинг маълум бир ставкасидан юқори эканлигини кўрсатади
- NVP нинг камчилиги дисконтлаштириш ставкасини ҳисоблашнинг шартлилиги билан белгиланади
- Инвесторга бошқа лойиҳадан кўра шу лойиҳага маблағларни жойлаштириши фойдали ҳисобланади. Бунда NVP нинг ўлчами дисконтлаштириш ставкасининг унча катта бўлмаган ўзгаришига таъсирchan бўлади
- NVP нинг ҳисобланиши маълум даражада ишлаб чиқаришни инновацион янгилаш инвестицион лойиҳасининг мумкинлигини баҳолашда мўлжал бўлиб хизмат қиласди

Ички фойда нормаси (IRR)

лойиха NVP си нолга тенг бўлгандаги дисконтлаштириш ставкасидан иборат. Ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир неча кўп йилдан сўнг катта даромад келтирувчи ишлаб чиқариш инновацион лойихаси учун бир хил аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Инвестор ва кредитор учун кутилаётган даромадларнинг муддатлар бўйича тақсимланиши муҳим ва шунинг учун ҳам агар даромадлар рискининг вақт бўйича узоклашишига мувофиқ равишда тез ўсиши инобатга олинадиган бўлса, бу омил янада жуда муҳим ҳисобланади.

Копла- ниш муддати кўрсат- кичи

ишлаб чиқаришни янгилаш инновацион лойихасидан олинган даромадлар бирламчи капитал қўйилмалардан ошгандаги йиллар сонига қараб аниқланади. Ҳисоблашнинг маълум соддалигига қарамасдан, бу кўрсаткич инвестицион лойиханинг рисклилигини пухта баҳолайди ҳамда NVP ва IRR билан биргаликда капитал қўйилмаларнинг оптимал мақсадга мувофиқлигини баҳолашга имкон беради.

Жорий ва истиқболдаги таҳлил ишлаб чиқаришни янгилаш инновацион лойиҳаларини амалга оширишнинг бошқа йўналишлари ва параметрларига нисбатан ўтказилиши мумкин.



Бунда асосий эътибор юқори рентабеллик ва кучсиз прогнозлаш хос бўлган қўйидаги омилларга, яъни рисклар, валюта курслари, кредитлар бўйича сузувчан ставка, тайёр маҳсулот ва хом ашёнинг баҳоси кабиларга қаратилади.



Бу омилларнинг ҳар бири учун бўлиши мумкин бўлган тебранишларнинг интервали аниқланади ва асосий параметрларнинг ўзгариши мумкин бўлган имкониятлари баҳоланади.



Ундан сўнг инвестицион лойиҳанинг барча рискларини ҳисобга олган ҳолда унинг етарли даражада фойдалилиги сақланиб қолгандаги критик параметрларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларига баҳо берилади.

Ишлаб чиқаришни янгилаш дастурлари ва инновацион лойиҳаларнинг инвестицион самарадорлиги капитал қўйилмалар тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда мавжуд бўлмаган омилларга ҳам боғлиқ.



Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ана шундай омиллар тўплами мавжуд.

3.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ

1-топширик

1.Саволга жавоб ёзинг.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма воситалари ва уларнинг шаклланиш манбалари.

2.Тестни ечинг:

1. Корхонанинг молиявий мустахкамлиги деганда нимани тушунасиз.

А) Максимал фойда олиш ва ўз ўзини молиялаштириш.

Б) Корхонанинг барқаорлигига интилиш

В) Корхонанинг тўловга лаёқатсизлиги

Г) Корхонанинг иқтисодий ночорлигидан қочиш

2.Ишлаб чиқариш риски қайси риск турига киради?

А) Тижорат риски

Б) Инвестиция риски

В) Хўжалик риски.

Г) Молиявий риск

3.Бошқарув риски қайси турларга бўлинади?

А) Ишлаб чиқариш ва тижорат риски

Б) Хўжалик ва тижорат риски

В) Тижорат ва молиявий риски

Г) Молиявий ва хўжалик риски.

4.Молиявий режалаштириш неча турга бўлинади?

А) 5

Б) 2

В) 3.

Г) 4

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион стратегиясини шакллантириш бўйича кросворд тузинг .

4.Глоссарийнинг номини ёзинг:

.....- бу ихтиёрида бўлган пул маблағларидир. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ноишлаб чиқарувчи соҳа обьектини ривожлантириш ва таъмирлаш, резервларни шакллантириш ва ишлатишга йўналтирилади.

2-топшириқ

1. Саволга жавоб ёзинг.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муносабатларининг асосий моҳияти нимадан иборат?

2. Тестни ечинг:

1. Қўйидагиланинг қайси бири молиявий ҳисоботга киради?

- А) Резерв капитали ҳақида ҳисобот
- Б) Пул оқимлари ҳақида ҳисобт.
- В) Кредит ва ссудалар
- Г) Активлар

2. Ишлаб чиқариш риски қайси риск турига киради?

- А) Тижорат риски
- Б) Инвестиция риски
- В) Хўжалик риски.
- Г) Молиявий риск

3. Ўзбекистон Республикаси қайси йилдан бошлаб инвестиция хақида конуний хужжатлар пайдо бўлди?

- a) 1989 й
- b) 1981й
- c) 1992й
- d) 1991й
- e) 1998й

4. Молиявий инвестициялар таркиби нималардан иборат?

- a) бино, асбоб-ускуна, иншоот
- b) махаллий ва хорижий мамлакатларни пул бирликлари, банклардаги омонатлар, векселлар ва қимматли коғозлар
- c) махаллий ва хорижий мамлакатларни пул бирликлари, мулкий хукуклар шаклидаги инвестициялар
- d) мулкий хукуклар шаклидаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялар
- e) моддий инвестициялар

3. Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги бўйича кроссворд тузинг .

4. Глоссарийнинг номини ёзинг:

.....- бу ўзида айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий муносабатлар системасини акс эттирувчи юридик шахс ҳисобланиб, хўжалик фаолиятини олиб бориш жараёнида пул маблағларининг шаклланишини тақсимланишини ва ишлатилишини амалга оширади.

4.ГЛОССАРИЙ

13 мавзу: Ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш инвестицион дастурларини молиялаштириш

Бозор инфратузилмаси (инфраструктура рынка, market infrastructure) - бозор алоқаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи институтлардир, яъни фирма ва турли муассасалардир.

Молиявий институтлар (финансовые учреждения, financial institutions) - инвесторлар билан омонатчилар ўртасида фаолиятнинг ўзлари машғул бўлган туридан фойда оловчи воситачилик фаолияти билан шуғулланадиган шахслардир. Банклар, пенсия ва инвестиция фондлари, сугурта компаниялари, товар, хом ашё ва фонд биржалари, акциядорлар ва бошқалар молиявий воситачи сифатида ҳаракат қиласидар.

Молиявий воситачилар (финансовые посредники, financial intermediaries) қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун тақсимлаш ва назорат вазифасини бажарадилар, зеро тўпланган фондларни тўғри тақсимлашгина эмас, балки улардан жамият учун нағадар самарали, қандай фойда билан ишлатилаётганлигини назорат қилиш ҳам муҳим

Пул бозори (денежный рынок, money market) Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини жорий килиш обьекти хисобланади. У кредит муассасаларининг активлари билан савдо килиш учун мўлжалланган, бу активлар Марказий банкда кредит муассасаларининг энг муҳим ликвид маблағлари заҳиралари бўлиб хизмат киласидар.

Пул бозори (денежный рынок, money market) давлат хазинасига бевосита нақд пул тушишини таъминлайди ва фирма ёки жисмоний шахсга ўзларининг вақтинчалик бўш маблағларидан даромад олишга имкон беради. Пул бозорисиз тўлик маънодаги молия бозори бўлиши мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар бозори (Рынок ценных бумаг, Securities market) - бозор иқтисодиётини асосий элементларидан бири, молия бозорининг бир қисми хисобланиб, фондларни йиғиб, уларни молиявий активларга айлантириб, иқтисодиётни ривожлантириш учун сармоя сифатида йўналтиришга хизмат қиласидар.

Ёпиқ биржа (акции закрыты, the stock closed) - бу биржадаги ундаги савдоларда фақат унинг аъзоларигина иштирок этишлари мумкин; **Ташриф буюрувчиларнинг эркин кириши мумкин бўлган биржалар** (Посетители свободный доступ к обмену, Visitors free access to exchanges) - ундаги битимларни фақат маклерларигина амалга оширадилар.

Капитал бозори(рынок капитала, capital market). Бу бозорда жисмоний ва юридик шахсларнинг узоқ муддатли омонатларини молиявий воситачилар инвестицион кредит сифатида ишлатадилар.

Пул бозори(денежный рынок, money market). Фондлар фақат узоқ муддатли инвестицияларигина эмас, балки қиска муддатли қимматли

қоғозлар - қисқа муддатли хазина мажбуриятлари, векселлар ва ҳоказоларга қўйилиши мумкин.

Акциялар (Сниженные цены, Promotions) улушга эгалик қилиш хуқуқини берувчи қимматли қоғоз.

Акция (кампания, The campaign)-акционерлик жамияти томонидан чикарилган даромад келтирувчи қоғоз.

Акциянинг номинал қиймати (Номинальная стоимость акций, The nominal value of the shares) - бу акцияда ёзилган пул суммасидир.

Оддий акциялар (обыкновенные акции, ordinary shares) шундай акцияки унга тегадиган дивиденд фойдага қараб ҳар хил бўлади.

Имтиёзли акция (Привилегированные акции, preferred shares) шундай акцияки, унга тегадиган дивиденд фойдага қараб эмас, балки заёмга тўлангани каби, олдиндан белгиланган қатъий фоиз миқдорида берилади.

Облигация (связь, bond) - бу ўз қийматига нисбатан қатъий белгиланган фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоздир.

Банк сертификати (сертификат банка, bank certificate) - бу эмитент банк томонидан унинг номига мижознинг пул маблағлари қўйилгани тўғрисида берилган ёзма гувоҳнома бўлиб, у ўзининг эгасига (ёки унинг ворисига) белгиланган муддат ўтиши билан банкка қўйган пул суммасини ва бу қўйилган пул суммаси бўйича фоиз даромадини олиш хуқуқи борлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Банк сертификати(сертификат банка, bank certificate) - бу банкнинг қисқа муддатли қарз мажбуриятидир. Унинг қисқа муддатли эканлиги, инфляция суръатлари билан ҳам улчовлиги, ликвидлиги ва юқори даромадлиги бенифициарига, агар у ўз капиталлигини кўпайтира олмаган тақдирда ҳеч бўлмагандан бу капиталини дастлабки миқдори даражасида сақлаб қолиш имконини беради.

Хосилавий қимматли қоғозлар - бу бирламчи қимматли қоғозларнинг шу бозорда амал қилиши натижасида ҳосил бўлган иккиласми қимматли қоғозлардир. Хосилавий қимматли қоғозлар ўз эгасига бирламчи қоғозларни сотиб олиш ва сотиш хуқуқини беради. Уларнинг қиймати бошқа қоғозлар орқали гавдаланади.

5.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). – Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТУРИАЛЛАРИ